

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА БОШҚАРУВ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Муминов Бекзод

**Маданий мерос агентлиги бош мутахассиси (bekzodmuminov253@gmail.com)
(+998-50-756-52-55)**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11204131>

Аннотация: Фарғона водийсида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида илк палеолит давридан тортиб то ўрта асрларгача бўлган даврларга оид бир неча юзлаб археологик ёдгорликлар топиб ўрганилган. Қадимги деҳқончилик ёдгорликлари асосан сой бўйларига жойлашган. Яъни, қадимги аҳоли тоғ олди этакларидаги булоқ бўйларида, дарё соҳилларидаги пастқам, суғорилиши осон жойларда деҳқончилик қилишга аста-секин ўта бошлаганлар. Ёдгорликларни сув манбалари асосида районлаштириш борасида А.Н.Бернштам, Б.А.Латынин, Ю.А.Заднепровский, Н.Г.Горбунова ва Б.Абдулгазиеваларнинг ишланмалари чуқур таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Чуст, Далварзин, суғорма деҳқончилик, сунъий суғориш, Кучуктепа, Тиллатепа, сув айирғичлар (учоёқ), Ашқалтепа.

Аннотация: В результате археологических исследований, проведенных в Ферганской долине, обнаружено и изучено несколько сотен археологических памятников от периода раннего палеолита до средневековья. Памятники древнего земледелия расположены преимущественно по берегам ручьев. То есть древние жители постепенно начали заниматься земледелием в низменных, легко орошаемых местах по берегам рек и родников. Подробно проанализированы разработки А.Н.Бернштама, Б.А.Латынина, Ю.А.Заднепровского, Н.Г.Горбуновой и Б.Абдулгазиевой по зонированию памятников по водным источникам.

Ключевые слова: Чуст, Далварзин, орошаемое земледелие, искусственное орошение, Кучуктепа, Тиллатепа, водоотделители (тройные), Ашқалтепа.

Abstract: As a result of the archaeological research conducted in the Fergana valley, several hundred archaeological monuments from the early Paleolithic period to the Middle Ages were found and studied. Monuments of ancient agriculture are mainly located along the banks of streams. That is, the ancient inhabitants gradually started farming in low, easy-to-irrigate places on the banks of rivers and springs. The developments of A.N.Bernshtam, B.A.Latynin, Yu.A.Zadneprovsky, N.G.Gorbunova and B.Abdulgazieva regarding the zoning of monuments based on water sources were analyzed in depth.

Key words: Chust, Dalvarzin, irrigated agriculture, artificial irrigation, Kuchuktepa, Tillatepa, water separators (triple), Ashqaltepa.

Қадимги Фарғона шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши, ҳамда Фарғона давлатчилиги тарихи муаммолари бизга қадар маълум маънода тадқиқ этилган. Аммо, Фарғона Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарсозлик тарихи ва маданий алоқалар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти масаласининг турли томонлари деярли ўрганилмаган ва умумлаштирилмаган.

Маълумки, Хоразм, Чоч ва Фарғонада деҳқончилик маданияти, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларига нисбатан анча кеч вужудга келган. Жанубда илк давлатчилик ва урбанизация жараёнлари кўп асрлар давомида ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг ривожланиши асосида бронза даврида бошланган. Шу тарихий тараққиёт қонуниятлари

туфайли, Фарғонада ҳам деҳқончилик маданияти ёйилиши билан бирданига илк давлатчилик ва шаҳарсозлик тарихи бошланмаган деб хулоса чиқариш мумкин. Фикримизча, ушбу масаланинг ечимида илмий адабиётларда анъанавий ёндашувлар мавжуд.

А. Анорбоевнинг ёзишича, мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида Фарғонада деҳқончилик йўлга қўйилиши озиқ-овқат маҳсулотни кўпайишига ва баъзи бир оилаларда кўшимча маҳсулотни орттиришга олиб келади. “Ўзаро келишмовчиликлар ва урушлар натижасида асирлар қўлга олинади, - ёзади олим. – Улар кўшимча маҳсулотлар кўпроқ тўпланган оилаларда мажбурий ишга тортилади. Синфий табақаланиш кучаяди. Натижада, дарё ва сой ҳавзалардаги деҳқончилик воҳаларида деҳқон қароргоҳлари, сўнгра илк шаҳарлар ва илк давлатлар (“ном”) пайдо бўлади”¹. Демак, А. Анорбоевнинг фикрига кўра, Фарғона водийсида давлатчилик ва шаҳарсозлик синфий табақаланиш асосида пайдо бўлган.

Бундай ёндашув С. Қудратовнинг мақоласида ҳам кузатилади, жумладан, давлатчилик шаклланишининг асосий сабаблари – бу кўшимча маҳсулот ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, жамиятда ижтимоий ва мулкий тенгсизликнинг юзага келиши, ижтимоий-мулкий тенгсизликнинг чуқурлашуви, ижтимоий синфларнинг пайдо бўлиши, жамиятда қарама-қаршилик ва низоларнинг вужудга келиши, деб изоҳ топган. Натижада, “жамиятнинг юқори тоифа кишилари ўз имтиёзлари ва бойликларини жамиятнинг оддий аъзолари таҳдидидан ҳимоялашга зарурат сезади”. Шундай қилиб, давлатлар пайдо бўлади². Жамиятда қарама-қарши синфларнинг пайдо бўлиши натижасида давлатчиликнинг вужудга келиши тўғрисидаги назария XX аср тарихшунослигида кенг қўлланилган. (Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам, чунки давлатчилик масаласини ўрганишда ўша пайтда янгича концептуал ёндашувлар ишлаб чиқилмаган эди).

Бошқа тадқиқотларда таъкидлашича, давлат бир қанча омилларнинг (географик, иқтисодий, экологик, диний, ҳарбий) таъсири остида пайдо бўлиб, ушбу омилларнинг рўйхати мутлақо иқтисодий омиллар билан чекланиб қолмаган.³ Давлатчиликнинг шаклланишида жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатидан бўлиниши, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ижтимоий меҳнат тақсимооти, ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш зарурати, жамоалардаги ўзаро алоқаларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, жамоаларнинг ички ва ташқи муносабатларини назорат қилиш ва бошқариб туриш каби омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлган.⁴ Янги нашрларда келтирилган ушбу хулосаларга тўлиқ қўшилиш мумкин, Фарғонада илк давлатчилик тарихини ўрганишда “синфий” назария билан чекланиб қолиш мақсадга мувофиқ эмас. Мазкур масалани ечимида турли ёндашувлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.⁵

¹ Анорбоев А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар // О'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2004. – № 4. – Б.10.

² Қудратов С. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатлар пайдо бўлишининг баъзи масалалари // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 1999. – № 2. – Б. 10-11.

³ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 23-30.

⁴ Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академия, 2006. – Б. 34-35.

⁵ Асқаров А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // ОНУ. – Тошкент, 1997. – № 3-4. – С. 65-76.

Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари бронза даври шаҳарларининг ўрганилиши натижасида, уларнинг меъморий тузилиши, ижтимоий-иқтисодий белгилари ва функциялари очиб берилган⁶. Илмий-услубий жиҳатдан шаҳар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласини умумий муаммо сифатида ўрганиш лозим, деган фикрга⁷ қўшилиш мумкин.

Фарғона водийсида илк давлатчилик масалалари кейинги йилларда ўрганила бошланди. Бунинг асосий сабаби дастлабки давлатчиликни пайдо бўлишидаги асосий омиллардан бири бўлган шаҳарларнинг водийда шаклланиши масаласи узоқ вақт тортитувларга сабаб бўлди. Фақат кейинги 10 - 15 йил ичида Фарғонада илк шаҳарсозлик муаммолари кун тартибига қўйилди. Далварзин водийдаги энг қадимги шаҳар деб тан олинди. Бу ҳолат ўз навбатида Фарғона водийсида илк давлатчилик қай шаклда бўлган, деган саволни рўёбга чиқариб, баҳсли муаммога айланди.

Б. Матбобоевнинг ёзишича, мил.авв. VIII - VII асрларда Фарғонада “воҳа давлатчилиги” мавжуд бўлган, бундай воҳалар водийнинг 15 та туманида ўрганилган⁸. А. Анорбоев, ушбу хулосага ўз муносабатини билдириб, Фарғонада 15 та воҳа давлати тўғрисидаги назария илмий нуқтаи назаридан ҳеч қандай асосга эга эмас, яъни нотўғри, деб хулоса чиқарган⁹. А. Анорбоевнинг фикрига кўра, мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми ўрталарида “бошланғич давлатчалар” ёки давлат типидagi сиёсий уюшмалар вужудга келиб, мил. авв. I минг йилликнинг бошларида “бошланғич давлатчалар” асосида Фарғонада илк давлат уюшмаси пайдо бўлган¹⁰. Аммо, “бошланғич давлат” ва “илк давлат уюшмаси” тушунчаларига изоҳлар берилмаган.

Фарғонада илк шаҳарсозлик ва дастлабки давлатчилик шаклларидаги ўтишдаги жараёнларни ва мавжуд омилларини узоқ ҳудудлар билан солиштириб бўлмайди. Масалан, Месопотамиядаги шаҳарсозлик ва давлатчиликнинг юзага келиш омиллари ўз хусусиятларига эга ва улар ривожланишнинг юқори нуқталарида эди деб қаралади¹¹. Лекин турли жамиятларда шаҳарсозлик ва давлатчилик маълум бир ижтимоий-иқтисодий, этногенетик, маданий ва бошқа омиллар таъсирида у ёки бу ҳолатда намоён бўлган¹². Буларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1. Ижтимоий-иқтисодий омиллар (ишлаб чиқарувчи кучлар, хўжалик турлари, суғориш тизими, ҳунармандчилик соҳалари).
2. Этномаданий ва сиёсий омиллар (этник жараёнлар, сиёсий муносабатлар, маданий жараёнлар).
3. Савдо-иқтисодий, ўзаро қўшничилик алоқалари (ташқи алоқалар кўлами, узоқ ва яқин қўшнилар билан муносабатлар ҳамда улардан бўладиган хавф-хатар).

⁶ Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии: Автореф. дисс... докт. истор. наук. — М.: Институт археологии РАН, 1993. — С. 12-13.

⁷ Шайдуллаев Ш. Илк давлатларнинг археологик белгилари // O'zbekiston tarixi. — Тошкент, 2002. — № 3. — Б.5.

⁸ Матбобоев Б. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари // O'zbekiston tarixi. — Тошкент, 2002. — №1. — Б.3-6.

⁹ Анорбоев А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар // O'zbekiston tarixi. — Тошкент, 2004. — № 4. — Б.10.

¹⁰ Анорбоев А. Ўзбекистонда илк давлатчилик... — Б. 11.

¹¹ Дьяконов И.М. Проблема вавилонского города II тыс. до н.э. // Древний Восток. Города и торговля. —Ереван: АН Арм ССР, 1973. — С. 18-21.

¹² Ширинов Т.Ш. Теоретические проблемы урбанизации в Среднеазиатской археологии // Марказий Осиёда урбанизация жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичлари. — Самарқанд, 1995. — Б. 114-116.

Маълумки, ҳозирда Фарғона водийсида бронза даври сўнгги босқичига оид ёдгорликлар тўла аниқланган. Юқорида айтилганидек, қадимги аҳоли ўз маконларининг сув манбаларига ва улар бўйидаги ерларнинг ўзлаштирилишига қараб жойлашганлар. Улар тўп-тўп бўлиб яшаб (орасидаги масофа 20-30 км.), майда деҳқончилик воҳаларни ёки ёдгорликлар гуруҳини ташкил этганлар.

Ҳар бир воҳада бир неча майда ва биттадан ўртача катталиқдаги аҳоли пунктлари аниқланган. Ўртача катталиқдаги ёдгорликлар силсиласига юқорида тилга олинган Чуст, Деҳқон, Хўжамбоғ кабилар кириб, улар деҳқончилик воҳаларининг иқтисодий, маданий ва ҳунармандчилик марказлари бўлган. Олимлар бу воҳаларда келиб чиқиши жиҳатидан қариндошлиги бор оилалардан иборат аҳоли гуруҳлари яшаган деб ҳисоблайдилар. Улар бронза даври зироатчи жамоаларини ташкил этганлар ҳамда уларнинг бирлашувидан деҳқончилик марказлари вужудга келган.¹³

Сўнгги бронза даври ёки Чуст маданиятининг водий қадимги тарихи учун ўзига хос аҳамияти бор. Биринчидан, илк шаҳарлар шаклланиб олган тарихий вақт водийда шу саналарга тўғри келади. Иккинчидан, бу даврда Ўрта Осиёда илк давлатлар ривожланган. Аммо Ўрта Осиёда мил. авв. VIII-VII асрларда шаҳар мақомини оладиган катта ёдгорликлар сони ҳозирда археологик жиҳатдан унчалик кўп қайд этилмаган.

Марғиёнадаги Ёзтепада арк бор, бироқ мудофаа деворлари аниқлангани йўқ. Б.Х. Матбобоевнинг фикрига кўра, Ерқўрғон, Кўктепа, Қизилтепа мил. авв. VIII-VII асрларда мудофаа деворлари билан ўраб олинмаган бўлиб, ёдгорликларда ушбу давр маданий қатламлари қолдиқлари аниқланган холос¹⁴. Айнан катта майдон, мураккаб мудофаа деворлари ва таркибий қисмларга бўлиниши шаҳарнинг зарур ва бирламчи белгиларидан ҳисобланади. Бу белгилар Фарғона илк темир даври ёдгорликларида яққол кўрилади. Бу маданият катта ёдгорликлари бўлмиш Далварзин, Ашқалтепа, Деҳқон кабилар шаҳарсозлик илк босқичларини аниқлаш учун муҳимдир. Айнан Далварзин ва Чуст атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинган ва алоҳида арк ажралиб турарди.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, Фарғонадаги сўнгги бронза ва илк темир даврига оид далилларни Ўрта Осиё тарихи доирасидаги универсал ҳолат сифатида талқин қилиш баҳслидир. Марғиёна ва Бақтрия ҳудудларида бронза даврига оид сарой ва ибодатхоналар қолдиқлари топиб текширилган (Тоголок, Гонур, Даштли, Жарқўтон)¹⁵. Ушбу шаклдаги меъморчилик ёдгорликлар Фарғонада топилмаган. Мил.авв. VII асрга келиб, Марғиёна, Бақтрия ва Сўғд ҳудудларида Ерқалъа, Олтиндилёр, Қизилтепа, Ерқўрғон, Кўктепа каби шаҳарлар мустаҳкам мудофаа деворлар билан ўралган¹⁶.

¹³ Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари // *O'zbekiston tarixi*. – Тошкент, 2002. – № 1. – Б. 6.

¹⁴ Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона // *Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона*. – Наманган, 2001. – Б.24.

¹⁵ Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М.: Наука, 1977. – С. 34-50; Ўша муаллиф. Древности страны Маргүш. – Ашхабад: Ўлим, 1990. – С. 151-152; Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии...

¹⁶ Сағдуллаев А.С. Основные черты и генезис культуры доантичной Бактрии // *Античные и раннесредневековые древности Южного Узбекистана*. – Ташкент: Фан, 1989. – С.48-51; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. ...; Ўша муаллиф. Появление города на Еркургане в процессе урбанизации и сложении государственности на территории Узбекистана // *O'zbekiston tarixi*. – Тошкент, 1999. – № 2. – С. 14-22; Исамиддинов М.Х. Генезис

Шаҳарларнинг ўрта ёки бурчак қисмларида ҳокимлар қароргоҳлари – арклар жойлашган. Улар ҳам ғишдан терилган баланд пойдевор-платформаларга эга бўлган. Шунинг учун ҳам юқорида келтирилган Б.Х. Матбобоевнинг фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Марказий Осиёнинг жанубий вилоятларидан фарқли равишда Чуст маданиятининг уй-жойлари ертўлалардан ҳам иборат бўлган. Жанубда уй-жойлар асосан пахса ва ҳам ғишдан қурилган. Шундан келиб чиқиб, Фарғонада шаҳарсозлик маданияти, қурилиш техникаси ва меъморчилик ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Водийда илк темир даврига оид муҳофаа буржлари ва ўқ отиш учун деворларда ва буржларда ўрнатилган шинаклар ҳанузгача топилмаган¹⁷, аксинча, минтақанинг жанубий вилоятлари шаҳарларининг муҳофаа тизимида улар мавжуд бўлиб, ушбу тизимнинг тузилиши, ҳарбий имкониятлари жиҳатдан анча ривож топгани тўғрисида далолат беради.

Б.Х. Матбобоевнинг фикрларига (Фарғонадаги муҳофаа тизими ва аркларнинг минтақадаги бошқа тарихий-маданий вилоятларнинг аҳоли пунктларига нисбатан қадимийлиги) Ю.А. Заднепровскийнинг “Чуст маданияти бирлиги” тўғрисидаги назарияси¹⁸ таъсир қилган бўлиши мумкин. Ушбу назарияга кўра, мил. авв. I минг йилликнинг бошларида Парфия, Марғиёна, Бақтрия, Сўғд, Чоч ва Фарғона “умумий маданий ва балки этномаданий бирликни” ташкил қилиб, жанубий ёдгорликларга нисбатан Чуст маданияти камида 200 йил қадимийроқ бўлган¹⁹. Бу масала А.С. Сагдуллаевнинг мақоласида махсус таҳлил қилинган²⁰. Тадқиқотчи қадимги Фарғона ва Бақтриянинг моддий манбалари - сопол идишлар, бронза ва темирдан ишланган қуроллар, яроғ-аслаҳалар, меъморчилик ва бинокорлик анъаналарини солиштириб, қуйидагича хулосалар чиқарган:

қиёсланган Фарғона ва Бақтрия археологик топилмаларининг санаси асосан мил. авв. VIII - VII ва VII - V асрларга тўғри келади;

Фарғонанинг муҳофаа тизими ва арк-қўрғонлари, Бақтриядаги муҳофаа ва арк иншоотларига нисбатан қадимги эмас ва мил. авв. VIII-VII асрлар билан саналиши мумкин;

Фарғонада илк темир даври жанубий вилоятларга нисбатан тарихий жараён сифатида олдин бошланмаган²¹. Аммо бундай ёндашув Ю.А. Заднепровский ва Б.Х. Матбобоевлар томонидан рад этилди²². Г.П. Ивановнинг фикрига кўра, А.С. Сагдуллаев Чуст маданиятининг сўнгги босқич санасини исботлаб берган²³.

городской культуры Самаркандского Согда.: Автореф. дисс. ... доктор. истор. наук. – Самарканд: Институт археологии АН РУз, 2000. – 42 с.

¹⁷ Абдуллаев Б.М. Некоторые итоги изучения древней фортификации Ферганы // История Узбекистана в археологических и письменных источниках. – Ташкент: Фан, 2005. – С. 132-135.

¹⁸ Заднепровский Ю.А. Чустская культура Ферганы и памятники... – С.8.

¹⁹ Заднепровский Ю.А. Чустская культура... – С. 31.

²⁰ Сагдуллаев А.С. О соотношении древнеземледельческих комплексов Ферганы и Бактрии // СА. – М., 1985. – № 4. – С.21-32.

²¹ Сагдуллаев А.С. О соотношении... – С. 27-31.

²² Заднепровский Ю.А., Матбобоев Б.Х. К вопросу о хронологии и периодизации культуры раннежелезного века на территории Узбекистана // ОНУ. – 1987. – №1. – С.51-55.

²³ Иванов Г.П. Археологические культуры Ферганы.: Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Самарканд: Институт археологии АН РУз, 1999. – С. 10-11.

Юқорида келтирилган далиллар, Фарғона водийсида илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи мавзуси бўйича баҳс-мунозараларнинг мавжудлигидан далолат беради. Парфия, Марғиёна, Бақтрия ҳудудларида деҳқончиликнинг вужудга келиши, урбанизация ва давлатчилик жараёнларнинг ривожланиши Фарғона водийсига нисбатан-қадимги воқеа деган хулосани инкор қилиб бўлмайди. Шу билан бирга Фарғонадаги шаҳарсозлик маданиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш лозим.

Далварзиннинг катталиги, мураккаб тузилгани, таркибий қисмларга бўлингани, мукаммал мудофаа деворлари билан ҳимоялангани ва аркка алоҳида эътибор қаратилгани, хунармандчилик ва маҳсулот айирбошлаш, савдо-айирбошлаш маркази бўлгани билан алоҳида ажралиб туради. Хунармандчилик бир неча соҳаларга бўлинган эди. Хусусан, кулолчилик, тўқимачилик, тоштарошлик, заргарлик, суякка ишлов бериш, соҳаларининг далилий ашёлари топилган.

Водийда бу даврда хунармандчилик деҳқончиликдан ажралиб чиққан бўлиши мумкин. Чунки ўша давр жамиятининг иқтисодий салоҳиятини кўрсатувчи муҳим бир белги — хунармандчиликнинг кулолчилик соҳаси ривожланган эди. Тўғри, кулолчилик чархи ҳали бу жой аҳолиси учун номаълум бўлган. Лекин сопол идишлар шакллари стандарти ва улар ичида алоҳида махсус шаклларнинг бўлиши ҳамда уларнинг кўплаб миқдорда ишлаб чиқарилганлиги маҳаллий кулолчиликни ихтисослашган даражада деб ҳисоблашга имкон беради. Бу жараёни металлургия ва тўқимачилик соҳаларида ҳам кузатиш мумкин.

Бронзани эритиш ва ундан меҳнат ва жанговар қуроллар қуйиш чустликларда ишлаб чиқарилган эди. Керакли буюмларни қуйиш учун мўлжалланган ва қумтошдан ясалган қолипларнинг топилиши металлсозларнинг маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқаришга мўлжалланганини исбот этади. Чунки табиий равишда тошдан ясалган қолип, маҳсулотни кўп нусхада ишлаб чиқариш учун тайёрланади. Тўқимачилик тўғрисида далилий маълумотлар йўқ. Аммо унинг мавжудлиги ва ривожи ҳақида ёндош ашёвий далиллар топилган. Булар кулолчиликда идишлар шаклини олишда ишлатилган мато излари асосида аниқланган газмол турларидир. Улар, мутахассислар фикрича, камида уч хил ва уларни тўқишда ўсимлик ҳамда ҳайвон жуни толаларидан фойдаланилган. Санаб ўтилган белгилар фанда шаҳар ҳосил этувчи белгилар деб ҳисобланади. Бу ҳолат Далварзинни шаҳар мақомидаги ёдгорлик деб аташ учун етарлидир²⁴.

Бу давр бошқа ёдгорликлари, чунончи, Ашқолтепа, Чуст, Деҳқонтепа, Хўжамбоғ кабиларни шаҳар типдаги ёки шаҳармонанд мақомга эга эди деб ҳисоблаш мумкин. Булардан икки ёдгорликда (Далварзин, Чуст) алоҳида аркнинг пайдо бўлиши, катта ишчи кучи ва маблағ сарфланган мудофаа деворларининг қурилишига эътибор бериш лозим. Масалан, Ю.А. Заднепровскийнинг этнографик маълумотлар бўйича қилинган ҳисобича, Далварзинадаги маҳобатли мудофаа иншоотлари тизимининг қурилиши 1-3 йил, кўпи билан 5 йилда битказилган. Яъни ҳар куни қурилишда 100 киши қатнашиб, ҳар бир ишчи ўртача 1 куб. метр ер-қазув ва бошқа ишларни амалга оширса, иншоот 150-270 кунда битган бўлиши мумкин. Агарда ишчи сони 100 тадан кам бўлса ёки иш унуми паст бўлса, унда девор қурилиши чўзилган бўлиши мумкин.

²⁴ Матбабаев Б.Х. Қадимги Фарғонада илк ... – Б.8.

Палеоэкономик изланишларга кўра, Далварзин аҳолиси 1800-2000 кишига борган, меҳнатга яроқлиси ундан ҳам кам бўлган. Демак, деворлар қурилишида ён-атрофдаги аҳоли ҳам қатнашгани ҳақиқатга яқиндир²⁵. Деворлар қурилишининг ташкил этилиши Чуст маданияти даври жамиятидаги ўзгаришлар жараёнидан далолат беради. Албатта, илк давлатчилик илдизларини ўрганишда дастлабки шаҳарларнинг аҳамияти каттадир²⁶.

Илк ёзма манбаларда Ўрта Осиё, хусусан, Фарғона водийси ҳақида маълумотлар деярли йўқлигини айтиб ўтиш лозим. Тўғри, зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да илк давлат тузилмалари тўғрисида баъзи бир маълумотлар бор. Олимлар хулосасича, унда ушбу муқаддас китоб шаклланган даврдаги ижтимоий тузум ҳақидаги маълумотлар учрайди. Улар тарихчилар, шарқшунослар ва археологлар томонидан ўша давр жамиятининг ижтимоий таркибини таҳлили учун кўп марта тадқиқ этилган бўлса-да, ҳозиргача аниқ ечимига эга эмас.

“Авесто”да келтирилган маълумотларнинг Фарғона сўнгги бронза ва илк темир даври ёдгорликлари учун ҳам қайсидир маънода алоқаси бор. Чунки “Авесто”нинг шаклланиш жараёни мил. авв. IX-VII асрлар билан белгиланмоқда. “Авесто” жамияти Чуст маданияти ва унга ўхшаш бошқа маданиятлар ёки Ўрта Осиёнинг жанубидаги Ёз И типидagi ёдгорликлар билан боғланмоқда. «Авесто» билан Ёз И ёдгорликларининг хўжалиги ва моддий маданияти ўртасидаги ўхшашликлар тадқиқотчилар томонидан кенг таҳлил этилган²⁷. Шунингдек, Ю.А. Заднепровскийнинг фикрича, Чуст маданияти жамияти хўжалиги (деҳқончилик ва йирик шохли чорвани ҳамда от етиштирилиши) ва ёдгорликлари хусусиятлари зардуштийлик муқаддас китобидагига жуда ўхшайди.²⁸

Маълумки, “Авесто” жамияти ижтимоий тузилиши қуйидагича бўлиб, тўртта қатламга бўлинади:

Жамият патриархал оилалардан (нмана) ташкил топган уруғлар (вис), қабила (занту), мамлакат (дахью) ва энг олий раҳнамо — “заратуштрата” дан иборат бўлган. Муқаддас китобда нмана уй маъносида ҳам келган, уруғ макон деб ҳам тушунилган. “Авесто”да жамиятида тўрт тоифа бўлган: кохинлар, жангчилар, чорвадорлар ва хунармандлар. Бошқарув тизими юқорида келтирилган маълумотлар бўйича қуйидаги бўғинлардан иборат эди:

Оилаларда – уй эгаси бошлиқ бўлган (“нманапати”), қишлоқ жамоасида – қишлоқ оқсоқоли (“виспати”), бир неча қишлоқ жамоалари (туман) – оқсоқоллар кенгаши (“ханжамана”), Бир неча туман (вилоят) – вилоят ҳокими (“дахьюпати”), Мамлакат – мамлакат ҳокими (“қави”) ²⁹.

Археологик маълумотларни “Авесто” маълумотлари билан қиёслайдиган бўлсак, Фарғона водийсидаги сўнгги бронза даври ёдгорликларининг аксариятини “вис” лар билан солиштириш мумкин. Ю.А.Заднепровский таърифи бўйича, улар майда ёдгорликлар гуруҳига киради. Ушбу ёдгорликлар майдони бир гектарга бормаган,

²⁵ Заднепровский Ю.А. Чустская культура Ферганы... – С.16, 36.

²⁶ Эшов Б. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. – Тошкент: Zar Qalam, 2004. – Б.80-81.

²⁷ Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (Опыт исторической реконструкции) // ВДИ. – М., 1996. – № 3. – С.19-21.

²⁸ Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура ... – С. 92.

²⁹ Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000. – Б. 37.

гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашган ва кичик воҳаларни ташкил этган. “Вис”лардан каттароғини бир неча қишлоқ жамоаларини бирлаштирган “ханжамана” бошқарган ҳудудга киритиш мумкин. Уларнинг маркази вазифасини Чуст, Ашқалтепа, Хожамбоғ, Деҳқон, Ахшар кабилар бажарган бўлиши керак. Ниҳоят, зардуштийларнинг муқаддас китобидаги давлат (мамлакат), қайсики “қави” “ўтирган жой” деган маконга Далварзин харобаси тўғри келади.

References:

1. Заднепровский Ю.А. Чустская культура Ферганы... – С. 31-32.
2. Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона // Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона. – Наманган, 2001. – Б. 23.
3. Анорбоев А.А. Ўзбекистонда илк суғорма деҳқончилиқнинг шаклланиши ва антропоген ландшафтнинг ташкил топиши // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. – Ташкент, 2006. – Б. 9
4. Латынин Б.А. Вопросы истории ирригации древней Ферганы // КСИЭ. – М., 1957. Вып. XXVI. – С. 14.
5. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая // МИА. – М. – Л., 1952. – № 26. – С. 186.
6. Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. – М., 1950. – 96 с;
7. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. – М., – Л., 1962. – № 118. – С. 52-55;
8. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура... – С. 58;
9. Латынин Б.А. Эйлатанская расписная чаша // КСИИМК. – М., 1960. Вып. 80. – С. 90-92;
10. Чуланов Ю.Г. Новые памятники эпохи бронзы Ферганы // СА. – М., 1963. – № 4. – С.194-199.